

YOSHLAR OVOZI

ЖИНОЯТЧИЛИКНИНГ БАРВАҚТ ОЛДИНИ ОЛИШ — БОШ МАҚСАДИМИЗ

ЖИНОЯТГА ҚАРШИ КУРАШИШ ҲАҚИҚАТИ ВА АДОЛАТ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари Кенгашларининг кенгайтирилган қўшма мажлиси бўлиб ўтди.

Видеоселектор шаклида ўтказилган мажлисда Олий Мажлис палаталари Кенгашларининг аъзолари, Ҳудудларда жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш ва ҳуқуқбузарликка қарши курашиш бўйича Республика комиссияси ва минтақавий ишчи гуруҳ раҳбарлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, жамоат ташкилотлари вакиллари ҳамда журналистлар иштирок этди.

Олий Мажлис Сенати раиси Н.Йўлдошев таъкидлаганидек, ҳар ишда қонунийлик ва адолат усурорлигини таъминлаш йўлидаги амалий савий-ҳаракатлар Ўзбекистоннинг нафақат минтақа, балки бутун дунёда янгича қиёфада ва том маънодаги демократик давлат сифатида намоён бўлишини таъминламоқда. Бутун кўп миллатли халқимиз ўзаро тотувлик, бунёдкорлик муҳитида эртанги кунга мустақкам ишонч ва осо-

йишта ҳаёт учун шукроналик ҳисси билан меҳнат қилмоқда. Бундай эмин-эркин ва саодатли ҳаётнинг энг асосий омили тинчлик ва осойишталикдир. Зотан, фақат тинчлик бўлган жойдагина бахтли ҳаёт ҳўкм суради. Осойишта мамлакатдагина кексаю ёш фароғатда яшайди, оилаларда кўт-барак бўлади.

Давлатимиз раҳбари томонидан 2018 йилнинг 27 июль кунини жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш борасидаги ишларнинг бугунги ҳолати ҳамда бу борасидаги камчиликларни бартараф этиш масалаларига бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида берилган топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида ташкил этилган тадбирнинг кун тартиби доирасида жорий йилнинг етти ойи давомида жиноятларнинг барвақт олдини олиш ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш фаолиятида йўл қўйилган камчиликлар ва галгаги вазифалар, шунингдек, "Жиноятга қарши курашиш ҳақиқати ва адолат" тизимини амалиётга жорий этиш тартиб-таъминлари муҳокама қилинди.

(Давоми 2-саҳифада)

БУ ЙИЛ МАКТАБ ЯРМАРКАЛАРИ АВВАЛГИЛАРИДАН ФАРҚ ҚИЛАДИМИ?

ЎЗА мухбирлари бу саволга жавоб топиш учун пойтахтимизда ташкил этилган мактаб ярмаркаларида бўлди.

"Чорсу" бозорига ташкил этилган мактаб ярмаркаси харидорлар билан гавжум. Тадбиркорлар томонидан тавсия қилинаётган ўқув кўроллари, мактаб учун зарур бошқа анжомлар, кийим-кечаклар нархи билан қизиқдик.

Ўзимизни таништиридик-да, маҳсулотлар нархини сўрадик. 12 varaқли дафтар 400 сўм, 48 varaқли дафтар 1500 сўм, расм дафтарлари 2000 сўм экан. Сотувчининг гапларига ишонган эдик ҳамки, шу пайтда бизни ҳам харидор, деб ўйлади шекилли, навбат рангли қаламларга келганида унинг шериги "беш минг сўмдан бошланади", деди. Шунда биз суҳбатлашган сотувчи унга таҳдидали оҳангда гапга аралашмаслигини таъкидлади.

Англидикки, сотувчиларимиз ҳам ўз ишига вуждонан ёндашаётгани йўқ. Ким эканимизни билгач, ҳатто аллашга ҳам уринишмоқда. Шундан сўнг бошқа сотувчилар билан харидор каби муомалага киришдик.

Мактаб сумкаларининг нархини билишга қизиқдик. — 65 минг сўмдан бошланиб, 165 минг сўмгача боради, хоҳласангиз бундан ҳам қимматроқларини кўрсатаман, Хитойники, — деди бир сотувчи.

Расм дафтарларининг энг

кичиги 4,5, 36 varaқли дафтар 1,5, 48 varaқли дафтар 1,7 минг сўм, рангли қаламларнинг энг арзони 10 минг сўмдан бошланишини айтишди.

Маълум бўлдики, ота-она битта фарзанди учун керакли ўқув кўроллари уртача нархдагисидан оладиган бўлса, тахминан 200 минг сўмдан ошади. Унга сўмка ва кийим-кечакни ҳам қўшсангиз, камида 700-800 минг сўм керак бўлади.

Сотувчилар харид қилганингизда нархи арзонига умасликини, улар сифатсиз эканини кўп тақрорлайди. Шундай пайтда сотувчига қараб "рахмат-э, вуждонингиз уйғоқ экан", деб юборасиз. Аммо яроқсиз ўқув кўроллари ишлаб чиқаришга бош бўлаётган ёхуд четдан олиб келаётган тадбиркорларга нима дейсиз?! Ҳар қалай, раҳмат айтмасангиз аниқ.


Агар битта фарзандингиз мактабга борса хўп-хўп, улар иккита бўлса-чи ёки учта бола учун қанча харажат қилишингизни энди айтмасак ҳам биласиз.

Имконияти етган ота-она фарзанди учун қилар, аммо беш кўл баравар бўлмаганидек, бунга ҳамма юртдошимизнинг ҳам қурби етмаслиги сир эмас. Яхшироғидан олиб берай деса, чўнтак кўтармайди, сифатли нарса эса қиммат, фарзандининг кўнгли ўқиси эса яна аламли.

(Давоми 2-саҳифада)

ТАНЛИЛ ВА ТАЛҚИН

АДОЛАТЛИ ВА ШАФФОФ ТЕСТ СИНОВЛАРИ ёшларнинг билим олишга иштиёқини оширади



Президентимизнинг 2017 йил 16 ноябрдаги "Республика олий таълим муассасалари бакалаврига кириш тест синовларини ўтказиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарорига мазкур жараёнда бир қатор камчиликлар учраётгани қайд этилган эди. Жумладан, тест синовларини ўтказиш ва натижаларини эълон қилиш тартиби қондаларини такомиллаштиришга доир ишлар бугунги кун талабларига тўлиқ жавоб бермаётгани айтиб ўтилган.

Жамоатчиликнинг бу борасидаги фикри ҳамда таклиф-истаклари инobatга олиниб, 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб олий таълим муассасасига қабул қилиш бўйича кириш тест синовларини 1 августдан 15 августга ўтказиш,

натижаларни эса, эртаси кунлик Давлат тест марказининг веб-сайтида эълон қилиш белгилаб қўйилди. Ҳозир аксарият олий таълим муассасаларида тест синовлари якунига етган бўлиб, дастлабки хулосаларни чиқариш мумкин.

ЎТИШ БАЛЛАРИ НИСБАТАН ПАСТ

Давлат тест маркази томонидан барча фанлар бўйича саволлар мазмунини бирмунча соддалаштирилиб, айрим намуналар эълон қилинди ҳамки, ўтиш баллари кўтарилигани йўқ. Ҳар йили рекордлар ҳам бу сафар қайд этилмади. Сабаби оддий — тест пайтида турли ноқонуний хатти-ҳаракатларнинг олдани олинди. Бу, ўз-ўзидан, ўтиш балларининг пасайишига олиб

енгликлар туғдирилганига қарамай, ўтиш баллари барибир кўнгиладигек бўлгани йўқ. Натижада ҳатто ўқишга қабул қилишдаги 30 фоизли энг кам кўрсаткич "забт этилмай" қолди. Абитуриентларнинг минимал талабни бажармагани ҳисобига аксарият йўналишларда белгиланган квота доирасидаги ўринлар бўш қолди. Рус гуруҳлари учун меҳнат таълими йўналишида мана шундай ҳолат кузатилган.

Хулоса ўрнида

Бизнингча, абитуриентлар ҳам, ота-оналар ҳам эндиликда асосий эътиборни билим олишга қаратиш кераклигини тушуниб етди. Ишончимиз қомилки, тест синовлари вақтида ҳар қандай кингирликларга муро-сасиз бўлиш, асосийси, самарали жамоатчилик назоратини ўрнатиш келгусида ҳам адолат-сизлик билан курашишда ёрдам беради. Бу эса, ёшлар орасида билим эгалашга иштиёқни кучайтириб, соғлом рақобатни юзга келтирса, ажаб эмас.

Мисол учун, Андижон давлат университетининг информатикани ўқи-тиш методикаси таълим йўналишига ўтган йили контрактга ўтиш балли 103,4 га етган бўлса, жорий йилда 74,3 балли ташкил қилди, холос. Тарих йўналишида мазкур кўрсаткич 176,7 балдан 100,1 тага пасайди. Шу ўринда ҳар бир блок бўйича саволлар сони 36 тадан 30 тага туширилгани ҳам эслатиш жоиз.

Саволлар савияси ва билим даражаси нотуманосиб

Шунча чора-тадбир қўрилганию бир қанча

Азизбек ЭГАМБЕРДИЕВ,
Андижон давлат
университети
матбуот котиби

МУСТАҚИЛЛИК

27
ЙИЛ



MUSTAQILLIK MENING TAQDIRIMDA

АКАДЕМИК БЎЛМОҚЧИМАН

"Ҳаётнинг иккита беағи бор: математика билан шугулланиш ва уни ўқитиш". Бу франциялик таниқли олим Симоне Дени Пуассоннинг сўзлари. Дарҳақиқат, математика инсон учун жуда керакли фан. Унга ҳар кунини, ҳар соатда мурожаат қиламиз. Баъзи одамлар эса, ҳисоб-китобнигина билсам қифоя, деб ўйлайди. Аслида бу янглиш фикр.

Математиканинг асосий вазифаси афроф-оламдаги тартибсизликлар ичига яширинган тартибни топишдан иборат. Бунинг учун кучли салоҳият, теран тафаккур ва ақл-идрок керак. Боболаримиз ана шундай закий инсонлар сифатида дунёга донг таратгани — фахримиз! Мен буюк аждоғларим ва ўз бобом — забардаст математик Муҳаммад Иброҳимовнинг йўлини давом эттиришга қарор қилдим. Аввало, оилада шунга яраша муҳит шаклланди. Ва албатта, мустақил юрда туғилиб-ўсганим, истиқлол берган имкониятлардан фойдаланганим орзу-истакларимни рўёбга чиқаришга, ҳаётимдаги энг аҳамиятли ютуқларни қўлга киритишга туртки берди.

2012 йилда академик лицей ўқувчилари ўртасида бўлиб ўтган "Лицейим — фахрим" республика фан олимпиадасида 1-ўринни қўлга киритдим. Икки марта Ўзбекистон Миллий университети ва бир марта Қори-Нисозов номидаги стипендияларга сазовор бўлдим. 2016 йилда Қирғизда бўлиб ўтган халқаро математика олимпиадасида олтин медал-

ни қўлга киритдим. Шу йили "Ўзбекистон белгиси" кўрак нишони соҳибига айландим.

Яқинда Болгариянинг Благоевград шаҳрида талабалар ўртасида бўлиб ўтган 25-халқаро фан олимпиадасида ҳам голиблар сафидан жой олиш менга nasib этди. Мана шундай зафарли оилани эслаялману, болалигим — мен билан эримай дурс тайёрлаб, билмаганимни англаган бобом, оилада ўқишга уйғотилган рағбат, ўзим таълим олган мактаб ва лицейдаги меҳрибон муаллимлар, университетдаги соғлом рақобат муҳити, умуман олганда, Ўзбекистонимизда ёшлар учун яратиб берилган имкониятлар бир-бир кўз ўнгимдан ўтмоқда. Биз, навқирон мамлакат вакиллари халқаро даражага чиқа олаётганимизнинг ўзи иноят эмасми?


Ватанимиз илм-фани ривожига беиминнат ҳисса қўшмоқликни бурчим деб ҳисоблайман. Академик даражасига етишни хоҳлайман. Бобом ва акаларимнинг, ўзбек халқининг ишончини оқлашга ҳаракат қиламан.

Шоҳрух ИБРОҲИМОВ

ХАВАСКОРЛАРДАН ИЛК СПЕКТАКЛЬ



ТАЪМИ ТИЛНИ ЁРАДИ



МАЪНАВИЯТ

ЧЎНТАКНИ ЭМАС, ҚАЛБНИ БОЙИТАДИ

Маънавият пул эмас, илму тафаккур билан суғориладиган тушунча. У инсоннинг чўнтаги эмас, қалбини бойитади. Қалб эса, яхшилик, покиза туйғулар дояси. Мана шу оддий ҳақиқатни тушуниб етмаган халқ, жамият, авлод таназулга учраши муқаррар.

3-саҳифада ўқинг

ESLAYSIZMI?

Президентимизнинг 2017 йил 29 ноябрдаги фармонида мувофиқ, Ўзбекистон тарихида биринчи бор Инновацион ривожланиш вазирлиги ташкил этилди.

Шу билан бирга, эндиликда юртимизда Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси фаолият кўрсатиб келмоқда.

JARAYON

МАҚСУЛОТ ХАВФСИЗЛИГИ — БИРЛАМЧИ

ХасанУСМОНОВ

Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги Ўзбекистонда озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги қай тарзда таъминланаётгани ҳақида журналистларга ахборот берди.

зичлик, ёпишқоқ консистенция ва ёқимсиз ҳид борлиги, беш турдаги қуолиртрилган сут маҳсулоти эса, озиқ-овқат хавфсизлиги талабларига жавоб бермаслиги қайд этилган.

Агентлик томонидан юқоридагига ўхшаш қонун бузилиш ҳолатлари таҳлил қилиб берилмоқда. Вазирлар Мақамасига озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлигини таъминлашга қаратилган қарор лойиҳасини ишлаб чиқиш ҳам тавсия этилган.

Матбуот анжумани сўнггида мутахассислар журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб берди.

Ташкилот раҳбарлари ҳамда тадбиркорлар иштирок этган матбуот анжуманида агентликнинг виртуал қабулхонаси ва ҳукумат порталига истеъмолчилардан талай шикоятлар келиб тушаётгани айтилди. Уларнинг аксарияти маҳсулотлар ярқоқлиқ муддатининг ўтгани билан боғлиқ.

риш маркази" давлат корхонаси ҳамда Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси ҳамкорлигида жорий йил июнь ойида Тошкент шаҳри бозорларида ўтказилган назорат харидларига кўра, 20 турдаги маҳсулотдан 13 тасининг кўрсаткичи меъёр талабларига жавоб бермаслиги аниқланди. Масалан, уч турдаги пишлоқда юқори даражадаги

ORNAK OLI!

ҲИҚМАТАЛИНИНГ ҲИММАТИ

Бахтиёр БУКАЕВ

Ҳиқматали Раҳмонжонов мустақиллик тенгдоши. Ёш бўлишига қарамай, ўндан зиёд иш ўрнини ташкил қилиб, неча-неча ёшларнинг қўшимча таълим олишига имконият яратиб бермоқда. Ҳўш, у бунга қандай эришти?

марказида ёшлар барча фанлардан билимини мукамаллаштириши ҳамда хорижий тилларни ўрганиши мумкин.

— Оилада яққа ўғилман, — дейди Ҳиқматали. — Ота-онам таълим-тарбиямга вақтида эътибор қаратди. Мана энди, барча муаммоларимни мустақил ҳал эта оламан. Яқинда уйландим. Тўй дабдabasиз ўтди. Харажатларини деярли тўлиқ ўзим кўтардим. Марказга келаётган бўлсақ, янги ўқув йилидан фаолиятимизни кенгайтириб, Тошкент шаҳрининг олис туманларида ҳам филиаллар очмоқчимиз.

Ҳа, излаган имкон топар, изламаган баҳона, деганларидек, Ҳиқматалининг шижоати, ғайрати, ўзига бўлган талабчанлигидан ибрат олас арзийди.



Тенгдошимиз 2015 йилда Тошкент давлат шарқшунослик институтини тамомлагач, лицейда тарих фанидан

сабоқ бера бошлади. Икки йилдан кейин маблаг тўплаб, нодавлат таълим муассасасини ташкил этди. Мазкур ўқув

ЖИНОЯТЧИЛИКНИНГ БАРВАҚТ ОЛДИНИ ОЛИШ — БОШ МАҚСАДИМИЗ

(Бошланиши 1-саҳифада)

Танқидий рўҳда ўтган мажлисда қисқа муддатда ички ишлар идоралари тузилмаси тўлиқ янгиланиб, тизимни такомиллаштиришга оид 80 дан ортиқ меъёрий ҳужжат қабул қилинган, ички ишлар органларини халққа янада яқинлаштириш, жойларда ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш мақсадида Тошкент шаҳрида мавжуд куч ва воситалар жойларга қайта тақсимлангани таъкидланди.

Илгари барча ҳодимларнинг 60 фоизи шаҳар ва туман бошқармаларида, 40 фоизи жойларда фаолият юритган бўлса, бугун уларнинг 65 фоизи аҳолига яқин, яъни маҳалаларда хизмат вазифасини ўтамоқда. Натижада ўтган йилда жиноятлар сони 2016 йилга нисбатан 13 минг 720 тага ёки 16 фоизга, жорий йилнинг олти ойида эса 13 минг 599 тага ёки 39 фоизга, жиноят-қидирув йўналишидаги жиноятлар сони 38,3 фоизга камайгани қайд этилди.

Бироқ олиб борилаётган кенг қўламли ишларга ва эришилган муайян натижаларга қарамай, мамлакатимиздаги криминоген вазиятдаги ўзгаришлар кўнгилдагидек эмаслиги таъкидланди. Бунинг боиси жиноятчиликнинг тўб илдизини, энг асосий сабабларини аниқлаш ўрнига кўпроқ унинг оқибатларини бартараф этиш устида иш олиб бориш бўлди, жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ҳанузгача эскича ишлаш услубидан воз кечилмаган.

Баъзи ҳуудларда жиноят-қидирув йўналишидаги айрим жиноят турларининг сони ошиб бораётгани таъкидланди. Жумладан, Андижон, Сурхондарё, Тошкент, Фарғона, Жиззах вилоятларида ва Қорақалпоғистон Республикасида қасдан одам ўлдариш, оғир тан жароҳати етказиш, босқинчилик, транспорт воситасини олиб қочиш жиноятлари кўпайган.

Қотиллик жинояти аксарият ҳолларда оила-турумуш ва қўшничилик билан боғлиқ муаммолар оқибатида юз бермоқда. Жорий йилнинг 7 ойида 277 қотиллик жиноятининг 116 таси қариндошлар, 25 таси қўшнилар ўртасида содир этилган. Мазкур жиноятларнинг 95 таси эр-хотин, ака-ука, ота-ўғил ўртасида содир этилган миллий анъаналаримиз ва оила қадриятларига мутлақо зиддир.

Ушбу йўналишда ҳуудларда жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш бўйича тарғиб-бот-ташвиқот ишлари олиб бориш учун масъул раҳбарларнинг бундай аҳвол юзасидан тушунтиришлари эшитилди.

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири П.Бобононов соҳадаги камчиликлар, уларни бартараф этиш мақсадида амалга оширилаётган ишлар ҳақида ахборот берди.

— Вилоят, туманлардаги секторларда профилактика инспекторлари ўзининг ҳууддаги жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилмаётгани ва бу борада турли камчиликларга йўл қўяётгани кўриниб қолмоқда, — дейди П.Бобононов. — Агарда профилактика инспектори ва маҳалла фаоллари масаланинг ичига кириб

ишлаганида ва тегишли тартибда тайёргарликни йўлга қўйганида юқоридаги каби муаммолар, жиноятларнинг олдини олиш мумкин бўлар эди. Янги тизим «Жиноятга қарши курашиш ҳақиқати ва адолат» шiori остида ишлаш ҳар бир ички ишлар органи ҳодимларининг бош мақсадига айланиши керак. Шунинг учун яна бир бор таъкидлаб айтман, агарда ҳар бир ҳуудда ташкил этилган сектор аъзолари фаол ишласа, уйма-уй юриб муаммоларни ўргана, турли кўнгилсизликлар, жиноятларнинг олди олинди.

Мамлакатимизда жиноятчиликнинг барвақт олдини олишга нафақат давлат идоралари, балки жамоат ташкилотлари, кенг жамоатчилик, барча фуқаролар масъулдиги, хусусан, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши ва унинг тузилмалари фаолияти турғи йўлга қўйилмаган. Бунинг оқибатида мамлакатимиз маҳаллаларининг қарийб 60 фоизидида жиноят содир этилган. Олиб борилаётган ишларда изчиллик еттиштирилган кўпга ҳуқуқбузарликларнинг тақрор содир этилишида намоён бўлмоқда. Шу муносабат билан жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш фаолиятини янада такомиллаштириш, барча тегишли тузилмалар раҳбар ва ҳодимларининг масъулиятини ошириш бўйича қатор тақлиф, тавсиялар берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи марказий кенга-

ши раиси Қ.Қуронбоев бугунги кунда ёшлар орасидаги жиноятлар ва уларнинг олдини олиш бўйича олиб борилаётган ишлар бўйича маълумот тақдим этди.

— Ҳар биримиз битта жиноятнинг олдини олишга ҳаракат қилганимизда жиноятчилик камайган бўларди, — дейди Қ.Қуронбоев. — Кўпчилик фуқаролар йиғини раислари, уларнинг ёшлар бўйича ўринбосарлари, туманлар ҳокимларининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосари ҳам жиноятчиликка қарши курашишнинг самарадор усулини яхши англаб етмаган. Нима учун ёшлар томонидан жиноят содир этилаётган? Чунки унинг руҳий ҳолати баъзи ҳаётий тўсиқлар олдида ожизлик қилмоқда ва натижада жиноятга қўл урмоқда. Шу мақсадда психологлар, ёшлар масалалари билан шуғулланадиган педагоглар, ички ишлар ҳодимлари билан ўқув семинарлари ўтказдик. Биз мутахассисларга жиноятларнинг келиб чиқиши ҳамда жиноятлар тўғрисида фильм кўйиб берамиз ва гапириб берамиз. Улар жойларга чиқиб, ҳар битта ҳууд, туманга бориб, жиноятларнинг келиб чиқиш сабабларини ўрганади. Жиноятнинг сабабларидан яна бири — бу ишсизлик. Масалан, Сурхондарёда ёшларнинг бўш вақтинги мазмуни ташкил этиш тадбирлари фақат расмиётчилик учунгина ҳолос. Шерободаги ҳамма қўлдоғида ёшлар билан гаплашганимизда жиноятларнинг аксарияти ишсизлик туфайли содир этилганига гувоҳ бўлдик. Агарда биз

ёшларни руҳий жиҳатдан тарбияласак, маънавиятини ошириб, иш билан таъминлашга эришсак, ўйламанки, жиноятлар кескин камайди.

Мажлисида Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши бошқаруви раиси, халқ таълими, олий ва ўрта махсус таълим вазирлари ва бошқа раҳбар ҳодимларнинг тизимдаги камчиликлар ва жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар ҳақидаги ахбороти эшитилди.

Мажлисида жиноятларнинг аксарияти алкоғоль ичимликларни истеъмол қилиш натижасида келиб чиқиши, чет давлатларда кечки соат 21.00 дан сўнг алкоғоль маҳсулотларининг сотилмаслиги ва бу тажрибани мамлакатимизда ҳам қўллаш кераклиги муҳокама қилиниб, тақлифлар билдирилди.

Шунингдек, мажлис иштирокчилари "Yoshlar — kelajagimiz" Давлат дастури амалга оширилишини депутатлар ва жамоатчилик томонидан назорат қилиш, ушбу дастур ижроси учун масъул раҳбарларнинг ҳисоботини парламент ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашида муаммоларни ҳал қилиш, унинг ижроси қатъий назорат остига олиниши белгиланди.

Д.СУННАТОВ,
ЎЗА мухбири

БУ ЙИЛ МАКТАБ ЯРМАРКАЛАРИ АВВАЛГИЛАРИДАН ФАРҚ ҚИЛАДИМИ?

(Бошланиши 1-саҳифада)

— Туртта набирамга мактаб бозори қиламан, — дейди Ниғора ая Бурунова. — Биттасиники энгилроқ, бу йил 1-синфга чиқапти. Қолганлари юқори синфларда ўқийди. Ўғил набирамга мактабдан тўқ кўк рангли нимча ва шим олишни айтишди. Сўраб кўрсак, икки юз минг сўм, дейишапти. Бу қиммат-ку! Унинг кўйлаги, костюми, спорт кийими каби қўшимчалари ҳам бор. Ҳаммасини ҳисобласак, қанча бўлади. Келиним ва ўғлим икки ойдан буён мактаб бозорига деб пул йиғади. Ўзим ҳам пенсиямдан қўшимча қилаяпман. Қимматлигини айтсангиз, сотувчилар «четдан келтирилган», дейди. Ўқув қуроллари ва кийим-кечаклар қаердан олиб келинаётган бўлса ҳам арзонроқ ва, муҳими, бир хил нарх бўлиши тарафдориман.

Ўқув қуролларининг сифати қандай?

Ҳар йили 10 августдан 10 сентябргача ташкил этилган мактаб ярмаркаларини ҳам кутмасдан, тадбиркорлар июль ойидан оқибатда жойларда мактаб учун керак бўладиган буюмлар савдосини бошлаб юборади, савдо эса авжига чиқди. Ниманки ахтарсангиз, истаганингиздан ҳам зиёда бор. Аммо уларнинг сифати қандай? — Ўғлимга устози айт-

ганидек, ёзув ва математика дафтери олиб бергандим. Қоғози жуда силқик. Шундан сифати жуда юқори, деб билдим. Аммо фарзандим ёзишга жуда қийналди, — дейди Шоира Узоқова. — Турли хилдаги рўқчалардан олиб бердим. Қизиқ, рўқча ёзмайди. Бошида фақат меннинг ўғлим шундай қийналяпти, деб ўйладим. Устозидан сўрасам, бошқа болаларда ҳам шундай муаммо бўлаётган экан. Сабабини била олмадим. Аиб дафтардами ёки рўқчада? Ёза олмагач, фарзандим ҳам тез-тез асабийлашадиган бўлди.

Мамлакатимизда тадбиркорликка кенг йўл очилиб, улар фаолияти ҳар томонлама рағбатлантирилмоқда. Аммо бу ишончини суиистеъмол қилаётганлар ҳам учраб турибди. Бугунги кунда энгилнинг остида, оғирнинг устида юриб, кун кўрадиган «тадбиркорлар» ҳам бор. Имконият ва имтиёзлар ҳеч кимга истаганини қилиш, амалдаги қонунларни оёқости этиш ҳуқуқини бермайди. Улар ўзларининг номақбул фаолиятини тадбиркорлик, дея хаспўшлашга ҳам ҳаққи эмас.

Фақат ўзини ўйлаб, ўз манфаатини халқ манфаатидан устун кўраётган айрим «устамон тадбиркорлар» ўқув қуролларини ноқонуний чоп этиб, сотувга қармоқда. Бу фарзандларимизнинг билим олиш сифатига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Биз сифати деб ўйлаётган ва сотувчилар, пе-



дагоглар томонидан тавсия қилинаётган ўқув қуроллари ҳар дом ҳам сифатли бўлавермайди.

— Ҳозир ташкил этилаётган мактаб ярмаркаларидан олганимизнинг ўзи йил давомида етмайди, — дейди Шаҳноза Элбекова. — Ўтган йили 300 минг сўмлик ўқув қуроллари, кийим-кечак, сумка олгандик. Сотувчи менга 60 минг сўмдан сумка тавсия қилганди. «Қимматда бир гап бор», деб 85 минг сўмликдан олиб бердим. Иккинчи чорак якунига ҳам етмасдан чокларидан яиртилиб, узилди кетди. Ўқув қуроллари ҳам етарли бўлмади. Йил ярмида яна камини тўдирдик. Ўшанда сумканинг ўзимизда ишлаб чиқарилганини айтишганди. Кўринишидан сифатлидек

эди. Аммо...

Пойтахтимиздаги «Абу-Саҳий» савдо мажмуасига айна масалани ўрганиш учун бордик. Сотувчиларнинг айтишича, мактаб сумкалари Хитойники ва ўзимизнинг тадбиркорлар ишлаб чиқараётган сумкаларга бўлинади. Ўзимизники ҳам ёмон эмас. Шунга қараб уларнинг нархи ва сифатида ҳам фарқ борди, деб ўйлайсиз. Аммо уларнинг нархида деярли фарқ йўқ. Харидорлар эса тақлиф қилинаётган маҳсулотнинг қўлағидан унинг қай бири қаерники ёки сифатлироқ эканини ажрата олмайдилар ҳам. Бундан ноқонуний ишлаб чиқарувчилар унумли фойдаланмоқда.

Баъзи «ишбилармон» юрдошларимиз гўё ўзини

тадбиркор санаб, сифатсиз, лекин пули «отининг калласидай» маҳсулотлар тайёрлашга киришадилар ёки турли айланма йўллар билан божхоначилар қўзини шамғала қилиб, таълим стандартларига мос келмайдиган мактаб маҳсулотлари билан бозорларни тўлдирди.

Юртимизда сўнгги йилларда ишлаб чиқариш, саноатга қаратилган қатта эътибор сабаб баъзи маҳсулотларимиз бугун хориджа ҳам харидорларининг таъкидлаш жоиз. Аммо ички бозорга чиқарилаётган баъзи маҳсулотлар аҳоли норозилигига сабаб бўлиб, ўзимизнинг маҳсулотларга бўлган ишончсизликни оширмоқда.

Сохта тадбиркорлар ҳалол ишлаётган, солиқ ва мажбурий тўловларини

виждонан тўлаётган тадбиркорлар манфаатига зиён етказиши нима кераги бор? Майли, бунга ҳам чидадим. Ўз халқи, она Ватани иқтисодига ҳам зарар келтирмоқда. Амалдаги қонун ҳужжатларига чал бераётган бу каби «тадбиркорлар» фаолиятини тартибга солиш, уларга нисбатан кескин таъсир йўллари қўллаш, ушбу муаммо бевосита келажгимиз эгалари тақдирини, уларнинг эртанги кўни билан боғлиқ экани ҳисобга олиниб чоралар қўрилатиб, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Бош прокуратура, Давлат божхона ва солиқ қўмиталари, «Ўзстандарт» агентлиги, Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси ва бошқа ташкилотлар мазкур муаммоларни бартараф этишда ҳамкорликда фаолият юритиши муҳимдир.

Ярмарка аҳоли учун қулайми?

— Ўтган йили «Чилонзор» буюм бозорига ташкил этилган мактаб бозори ярмаркасида фарзандим учун турли ўқув қуроллари олиш учун бордим, — дейди Моҳира Хидирова. — Сотувчиларнинг ҳар бири арзон нархларда ҳисоб-китоб қилишини айтиб, чақира бўлишди. Уларда бир хил нарсанинг нархи ҳар хил. Бошида ўзим ҳам тушунмай жуда иккиландим. Ҳар бирида нархлар ҳар хил, аммо ҳисоблаганда деярли бир хил сумма келиб чиқди. Шундай

экан, уларга харидорни ҳар томонга тортиқлаб, чағитишининг нима кераги бор? Майли, бунга ҳам чидадим. Ўқув қуролларини деярли тўлиқ сотиб олдим. Аммо... Мирзо Улуғбек туманида жойлашган «Ширин» бозори ичида бир кичик канцелярия молларини сотадиган дўконча бор. Одатда йил давомида шу дўкондан харид қиламиз. Мактаб бозоридан сотиб олган ўқув қуролларини рўйида қилдим шу дўконга бордим. Ҳисобласам, мактаб бозоридан арзонроқ экан. Ўйлаб қолдим, мактаб ярмаркалари нима учун керак?

Масъул ташкилотлар маълум қилади

Халқ таълими вазирлигинида мактаб ярмаркаларида маҳсулотлар нарх-навосининг сунъий равишда ошиб кетишига йўл қўймаслик ва уларда тўлов терминалларининг узлуксиз ишлашини йўлга қўйиш мақсадида маҳаллий ҳокимликлар ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан доимий назорат йўлга қўйилганлиги маълум қилинмоқда.

Умумтаълим мактаблари ўқувчиларини асосий турдаги ўқув қуроллари, дарсликлар, мактаб формаси, кийим-кечак ва пойабзаллар билан таъминлаш ва ота-оналар учун қулайлик яратиш мақсадида жорий йилнинг 10 августидан 10 сентябргача республикамизда жами 1 минг 325 та мактаб ярмаркаси фаолият юритади. Мактаб ярмаркаларининг 931 таси умумий

ўрта таълим мактабларида, 293 таси бозорлар ва улар атрофларида, 528 таси йирик савдо комплекслари, дўконлар ва аҳоли гавжум жойларда ташкил қилинган.

Республикадаги барча мактаб ярмаркаларида 26 турдаги зарурий ўқув қуроллари ва жиҳозлари сотуви йўлга қўйилган.

Мактаб ярмаркалари фаолиятини уюшқоқлик билан ташкил этиш ва мувофиқлаштириш мақсадида маҳаллий ҳокимликларда мутасадди ташкилотлар вакилларидан иборат Ишчи гуруҳлар тузилган.

Жойларда ташкил этиладиган мактаб ярмаркаларига асосий турдаги маҳсулотларни аниқлашдан эҳтиёж асосида Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, «Ўзқўшимчилик саноати», «Ўзармасаноат» уюшмалари, «Ўздавқитобсавдо таъминоти» мажмуаси, «Шарқ» НМАК ва «Шарқ зёкори» МЧЖ етказиб беради. Етказиб берилган маҳсулотларнинг сақланиши, уларни ёнидан сақлаш, санитария ҳолатини яхшилаш ва бошқа зарурий хавфсизлик чоралари тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда амалга оширилади.

Маҳаллий ҳокимликлар, Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмақлаштириш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси мактаб ярмаркаларида савдоси ташкил этилаётган маҳсулотларнинг мамлакатимиздаги амалдаги стандартлар талабларига жавоб беришини ва уларнинг сифатини назорат қилади.


Барно МЕЛИҚУЛОВА,
ЎЗА мухбири



PREMYERA

ХАВАСКОРЛАРДАН

ИЛК СПЕКТАКЛЬ



Клара ХУДОЙБЕРГЕНОВА

Яқинда Республика ёшлар марказининг Қорақалпоғистон бўлинмасида "Сагаван" театр студияси иш бошлагани. Унда 40 нафарга яқин иқтидор соҳиби санъати сирларини ўргиниб келмоқда. Кунни кеча ёш актёрлар томонидан биринчи ҳисобот спектакли намойиш этилди.

"Сагаван"чилар тарбиявий аҳамиятга эга мавзуга қўл уриб, ҳалол меҳнати билан барака топаётган замонамиз қаҳрамонлари образини яратиб беришга ҳаракат қилган. Бундан ташқари улар пантомима санъати бобидаги маҳорати билан ҳам томошабинлар олқишига сазовор бўлди. "Сагаван" театр-студияси ёшларни халқимизнинг бой маданият меросидан баҳраманд этиб, уларнинг миллий ва умумбашарий қадриятлар, Ватанга садоқат руҳида камол топишида ёрдам беради, деган умиддамиз.



DOLZARB MAVZU

МАЪНАВИЯТ

ЧЎНТАКНИ ЭМАС, ҚАЛБНИ БОЙИТАДИ

Наргиза УМАРОВА

Одатда инсон ҳар кунлик сарҳисоби билан яшайди: бугун нима қилдим, қаерга бордим, ким билан учрашдим, қандай режалар туздим ва ҳоказо. Лекин ҳар биримизга инъом этилган умр дея аталмиш йўл неча минглаб кунлардан иборат бўлиши мумкин.

Олтиш, етмиш, юз ёшни қаршилаган одам ҳаёти давомида қанчалар азгу амаллар қилиши мумкинлиги, неча-неча муҳтожлар ҳождатини чиқариб, бирига ҳошим, бирига маънавий раҳнамо, мададкор ё ҳалоскор бўла олишини бир тасаввур қилиб кўринг-а.

Яхшилик бизга обрў-эътибор келтиради, раҳмат ёғдиради, қадр-қимматимизни оширади. Қизғин шундаки, яхшилик табиатда учрамайдиган ҳодиса. Унинг моддий ифодаси, шакл-шамойили ҳам йўқ. Уни биз — ҳазрати инсонлар амалу аъмоларимиз, ўй-фикрларимиз, хулқ-одобимиз ила яратамиз.

Янаям аниқроқ қилиб айтганда, яхши инсон — яхши тарбия маҳсулидир. Тарбиянинг ўзи эса, меҳнат маҳсули саналади. Кўриниб турганидек, ҳаётнинг маъноси, ўзани, сифатини белгилайдиган асосий, таянч тушунчалар ўзаро шу қадар боғлиқки, уларни эт ва тирноқ каби бир-бирдан айририб ҳамда бир-бирдан айро тасаввур этиб бўлмайди. Озгина кузатувчанлик, атрофимизда кечаётган жўшқин жараён ҳамда астойдил таҳрир қилса, икки оғиз сўздан бошқа ҳаммаси қизил қалам нишонига учрайдиган матнларимиз синчиқлаб кўриб, қўлимга индамай тутқазарди. Сўнг фалон адибнинг фалон асарини ўқиб, таассуротларимни қоралаб келишимни тайинлар, газетада мақола чиқаришга кўпам ошиқмай, мутолаадан узилмаслигимни қайта-қайта ўқтирарди. Домланинг қўлига тушган айрим материаллар йиллаб газета юзини кўрмаслиги, жуда ноболари муаллифга қайтарилиб, қайта ишланишдан хабарим борлиги учун тишини-тишга қўйиб, ўрганишда давом этдим. Жаҳд билан келган талабаларнинг бир-икки ой деганда домланинг тутумига қўнқолмай, тумтаракай қочганларини ҳам кўрдим. Барибир сабр қилдим.

"Маърифат" газетасида илк мақолам саккиз ойдан кейин, неча-неча таҳриру такрор ишлалардан кейин босилганди. Ўқувчиларга манзур бўлган, шекилли, муқофот ҳам берилган... Ҳа, "Устоз кўрган хат танбир", дейдилар. Хат танмагани эса, халқ бирпасда чаласаводага чиқарили. Уртами-ёналик инсонга ҳеч вақт шараф келтирмаган...

Устоз ўзини шогирд эндигина буй кўрсатаётган ниҳолдек гап. Уни эҳтиёткорлик билан устириш, шохлари ҳар томонга тарвақайлаб кетмаслиги учун текислаб туриш боғбон — устознинг вазифаси. Лекин уларнинг масъаҳати, ўғити, кези келса, танбеҳини тўғри қабул қилиши керак. Ахир, халқимиз "Устоз ўрса — ун оши, сўкса — сўк оши", — деб бежиз айтмаган-ку.

май ўсмоқда. Енгил пул топишга иштиёк, фирром яшашга интилиш, керак бўлса, ўғирлик ва ундай баттар жиноятлар ана шу нуқтадан палак ёзмоқда.

Меҳнатнинг ўзаги — ҳалоллик. Меҳнат қилган одамгина ҳалол лўқма ейди, бирининг ҳақидан ҳазар қилади, лекин шунга яраша маза қилиб яшайди ҳам. Бахтли бўлишнинг энг оддий, олам яралганидан буён мавжуд ва ҳар замонда бехато ишлаб келаётган формуласи худди шу!

Билмаганлар билиб қўйсин, унутганларга эса эслатма: меҳнатнинг ўзаги — ҳалоллик. Меҳнат қилган одамгина ҳалол лўқма ейди, бирининг ҳақидан ҳазар қилади, лекин шунга яраша маза қилиб яшайди ҳам. Чунки юрт олдига юзи ёруғ. Аллоҳ эса, уни ҳамини сыйлайди, ризқини бутун қилади, қалбини шукроналикка тўлдириб, кўт-барака ёғдиради. Бахтли бўлишнинг энг оддий, олам яралганидан буён мавжуд ва ҳар замонда бехато ишлаб келаётган формуласи худди шу, азизлар. Бошқача усули йўқ, бўлиши ҳам мумкин эмас!

Ҳақ йўлидан қайтган, ҳалолликдан юз ўнгирган миллат тубанлашиб, алал-оқибат, ҳалокатга йўлиққини оқсоч тарих бизга бот-бот эслатиб турибди. Ўтмиш сабоғидан хулоса қилиб яшасак, бас. Лекин неғадир шунга ҳам кўн-ҳақсала қиймаймиз.

Бугунги ёшларнинг ҳаммаси ҳам меҳнатқаш эмас. Орасида ҳатто шундай тофла борки, улар учун билим олаш қадрият саналмайди. Шу боис ушбулаги ҳаёнаматли мебелу замонавий техника жиҳозлари орасидан ўқинишга арзирли биронта ҳам китоб топа олмайси. Одамларни маънавий қашшоқ этиш эвазига бутун бошли давлатлар устидан ўз ҳукминини ўтказишга уринаётган кучларга эса, аслида мана шундай билимсизлар тоғфаси керак.

Ҳақ бирининг мағзини қақмоқ, холисона баҳо бермоқ, муносабат билдирмоқ керак, ҳоло. Афсуски, бугунги жамиятимиз бунга қўп ҳам интилаётгани йўқ. Нега? Миллат зиёлиларини қийнаётган узак савол ҳам аслида мана шу! Бироқ у шунчалик мурраккабки, қисқа-лунда жавоб билан чекланиб бўлмайди. Дангал айтиб қўя қолайлик: чўқур мушоҳада, кенг тафаккур ва албатта, хатою камчиликларимиз, аввало, ёшлар тарбияси, онгидаги маънавий бўшлиқни тўлдириб билан боғлиқ муаммолар борлиги ҳамда улар оз эмаслигини тан олмай туриб, масала негизига етиш душвор.

Биринчи хулосавий фикр қуйидагича: ёшларимизда меҳнатга лаёқат уйғотилмапти, улар меҳнатда тоблан-

каби пуч "орзу-ҳавас"лар фозил одамнинг қадриятлар тизимида йўқ. Ахир, маънавият пул эмас, илму тафаккур билан сўғориладиган

тушунча. У инсоннинг чўнтағи эмас, қалбини бойитади. Қалб эса, яхшилик, поклик туйғулар дояси. Мана шу оддий

Маънавият пул эмас, илму тафаккур билан сўғориладиган тушунча. У инсоннинг чўнтағи эмас, қалбини бойитади. Қалб эса, яхшилик, поклик туйғулар дояси. Мана шу оддий ҳақиқатни тушуниб етмаган халқ, жамият, авлод таназзулга учраши мукаррар.

Бу ҳақда инсониятни жаҳоннинг энг буюк мутафаккуру алломалари қайта-қайта огоҳлантирган, маънавиятсизлик залолатга элтувчи йўл эканини ўз асарларида кўп бора таъкидлаган.

Керак бўлса, одамларни маърифатга чорлаш, билимга рағбат уйғотиш, қироятхонлик, яъни китоб ўқишга даъват этиш орқали ўша маънавиятсизлик билан курашган. Жаҳолатга қарши маърифат билан ширини ҳам биринчи бўлиб дунё илмининг пиру комиллари даражасига етган закий боболаримиз тўғ қилиб кўтариб чиққан эди. Ҳўш, энди-чи? Беруний ва Ибн Синолар киндик қони тўкилган тўпроқда вояга етган авлод — истиклол фарзандлари улуғлар йўлини давом эттира оляптими? Улар қанчалик маърифатли? Нималарни қадрият деб билимоқда? Онги ҳамда қалбини қандай гоё ва туйғулар забот этган?

Аввало, улуғлар йўлини давом эттириш хусусида икки оғиз сўз. Буюк аждодлардан бизга туганмас бойлик — билимлар хазинаси мерос қолган. Унинг мағзини қақиб, моҳиятини ангаган зот борки, нафақат бугунги кун, ҳатто давримизнинг энг оғирқиҳи саволларига жавоб топиш ва энг долзарб масалаларни ечишда қийналмайди. Юртни тараққий эттириш, жаҳоннинг пешқа-

дам давлатлари сафига қўшиш учун шунинг ўзи кифоя-ку. Аммо юқоридаги фикрни яна такрорлашга тўғри келмади — меҳнат қилиш керак. Минг афсуски, бугунги ёшларнинг ҳаммаси ҳам меҳнатқаш эмас. Орасида ҳатто шундай тоифа борки, улар учун билим олиш қадрият саналмайди. Шу боис уйдаги ҳашаматли мебелу замонавий техника жиҳозлари орасидан ўқинишга арзирли биронта ҳам китоб топа олмайси. Одамларни маънавий қашшоқ этиш эвазига бутун бошли давлатлар устидан ўз ҳукминини ўтказишга уринаётган кучларга эса, аслида мана шундай билимсизлар тоғфаси керак.

Ҳолва деган билан оғиз чучимайди. Бу гапни халқимиз тоғиб айтган. Демак, "Навий — менинг бобом", "Буюк Хоразмий ва Улугбек билан фахр-


Фарзанд тарбиялаётган ота-она нафақат ўзи ва оиласи, балки жамият, қўйингки, давлат тақдирини дахлдор вазифани бажараётганини чўқур англамоғи даркор. Демак, бола тарбиясига бефарқ бўлиш ёки уни тарбиясиз қилиб ўстиришга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Буни билган-билади, билмаган эса, фаросатсизлиги туфайли ижтимоий ҳаётимизда кўп-кўп муаммолар, шу жумладан, жиноятчиликнинг учришига сабаб бўлмоқда. Чунки озгина тафаккур қилиб, таҳлилвий фикр юритишдан йироқмиш. Тўғри-да, ахир, китоб сотиб олиб, ўқийдиган кўра соатлаб вақтининг

Ҳолва деган билан оғиз чучимайди. "Навий — менинг бобом", "Буюк Хоразмий ва Улугбек билан фахрланаман!" дея кўкрак кертганинг билан ҳам ҳеч нарса ўзгармаслиги аниқ. Хоразмийнинг фундаментал илмига асосланган олам ва одам ҳақидаги тасаввурларни мукаммаллаштирган, ҳатто коинот сирларини оча олган, тарбия масаласи тугул, давлат ва жамият бошқарувидек нозик соҳаларда ҳам Ҳазрат Навоийнинг ахлоқий, фалсафий қарашларини чўқур англаган халқлар биздан аллақачон ўзиб кетди.

тасаввурларни мукаммаллаштирган, ҳатто коинот сирларини оча олган, тарбия масаласи тугул, давлат ва жамият бошқарувидек нозик соҳаларда ҳам Ҳазрат Навоийнинг ахлоқий, фалсафий қарашларини чўқур англаган халқлар биздан аллақачон ўзиб кетди. Ҳаёт қондаси шу — кучли енгади, кучсиз таслим бўлишга мажбур.

Бетиним рақобат гирдобига тортилган глобал дунёда ҳам маъзур таълимий амалда — билимиз сиз билимга эргашади, билими билимсиз устидан ҳукмронлик қилади. Интеллектуал салоҳияти юқори давлатлар жаҳонда ҳамини пешқадам ва қудратли дея эътироф этилишининг боиси ҳам шунда.

Яна бир гап. Аслида халқни енгилмас қилувчи нарса — донолик.



Маънавият пул эмас, илму тафаккур билан сўғориладиган тушунча. У инсоннинг чўнтағи эмас, қалбини бойитади. Қалб эса, яхшилик, поклик туйғулар дояси. Мана шу оддий ҳақиқатни тушуниб етмаган халқ, жамият, авлод таназзулга учраши мукаррар.

MULOHAZA

УРСА — УН ОШИ, СЎКСА — СЎК ОШИ

Нозима МИЯССАРОВА

Туни билан ёзиб чиққан мақоламни бўлим бошлиғига кўрсатмоқчи бўлиб эшик қоқдим. Ичкарида кеча бизга таништирилган амалиётчи талаба ўтирарди. Сўхбат қизгин бораётгани учун раҳбар бироз кутиб туришимни айтди. У ҳалиги қизга нималарнидир қўйиб-пишиб тушунтирар, жумлаларида гализлик, баъзи жойларида нотўғри талқин борлигини ва мақолани қандай ёзиш кераклигини ўқтирарди. Бўлажак журналист эса, энса қотириб, ўзиникини маъқуллашдан нарига ўтмасди. Бўлим бошлиғига бу ҳол, табиийки, ёқмасди.

Бир ҳисобдан ўйлаб кўрайлик: журналистика ҳам ижод. Бир мавзуга ҳар ким турлича ёндашиши, фикрлар ўхшашлиги ёки қарама-қаршилиги юзга келиши мумкин. Лекин масаланинг бошқа томони ҳам бор. Ҳар ҳолда бўлим бошлиғи деган одам муҳбирдан кўра кўпроқ қалам йўниб, қороз тўлдирган бўлиши аниқ. Ахир, тажриба катта ҳаёнамат эга. Шу боис ҳар бир соҳада "устоз-шогирд" аънаси бўлиши даркор.

Хусусан, журналистикада устоз кўрган билан кўрмаганнинг фарқи ёзганларида шундоққина билинади. Мавзу топиш, уни ёритиш ва ифода усулини танлашда устознинг йўл-йўриғига қараб иш тутилади. Шу сабаб биз ёш журналистлар устозларнинг тақдирий фикрлари, мулоҳазасини қабул қилмоғимиз лозим.

Қалам ўқир ҳамкасбларимиз ҳам бир пайтлар шу чиғирқандан ўтгани учун бутун эътирофга сазовор бўлмоқда. "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси бош муҳаррири Ўқтам Мирзаёв билан сўхбатлашиб, бунга яна бир қарра амин бўлдик. — Университетнинг кечки бўлимида таҳсил олиб, кундузи наشريёт, газеталарда ишлар-

дим, — дейди устоз. — Шулардан бири ҳозирги "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси эди. Иш ўргансам бўлди, дердим. Таҳририятдаги майда-чуйда юмушларни қилишдан сира оғринмасдим. Шу баҳонада таниқли шоир ва ёзувчилар билан танишиб, сўхбатини олардим. Улардан бир чимдим масъаҳат олиш биз учун катта ютуқ эди.

Эсимда, Очин Тоғоев стилистика фанидан дарс ўтган. Турли газета материалларидан парчаларни қирқиб олиб, талабаларга тарқатарди ва қайси нашрдан олинганини топишни айттарди. Агар вақтли матбуотни кузатиб бормасак, топшириқни бажаролмасдик. Табиийки, бу усул ҳаммани газета ўқишга ундади.

Материалимиз устозлар қўлидан буюлиб чиқса, уларнинг кўзига қарагани ҳам уялардик. Гуё юзимизга чизилгандек хис қилардик ўзимизни ва кейинги сафар устимизда кўпроқ ишлаб, хатоларни тўғрилашга уринардик. Ўйлашчмча, ёш журналистлар устоз кўриши шарт ва зарур. Чунки ёзишни билиш ҳали журналист бўлдим, дегани эмас.

Ҳақ гап. Публицист ёки ёзувчи ўзи устидан тинмай ишлаб, пишиб бормас экан, яиллар ўтса-да ўртамеъна ижодкор бўлиб қолаверади.

PSIXOLOG MASLAHATI



Savolga psixolog Zebiniso AHMEDOVA javob beradi:

— Avvalo, unga dalda bering. Bugun bo'lmasa ertaga, albatta, muvaffaqiyatga erishishini uqting. Balki o'qishga kirolmagani uchun o'zini aybdor his etib, sizdan

— Qizim ikkinchi marta o'qishga kirolmadi. Hozir juda tushkun kayfiyatda. Xavotirdaman. Unga qanday yordam bersak bo'ladi?

Gulruh MURODOVA
Ishtixon tumani

uyalayotgandir. Agar shuni payqasangiz, nima bo'lganda ham uni qo'llab-quvvatlashga tayyor ekaningizni ko'rsating. Muhimi, u o'qishga kirolmagani uchun qayg'uga

tushganingizni his etmasin. Bu ruhiy holatiga yanada salbiy ta'sir ko'rsatadi. Yaxshilab tayyorgarlik ko'rishi uchun yana bir yil borligi, mehnati zoye ketmasligini yotig'i bilan tushuntiring.

Agar shunda ham ijobiy natija bermasa, qizingizdan kelgusi rejalari haqida so'rang. Ko'pchilik o'smirlar ishlashni ma'qul topadi. Chunki inson biror ish bilan andamon bo'lsa, tushkun kayfiyatdan tezroq chiqib ketadi.

Bordi-yu, farzandingiz o'qishga tayyorgarlikni davom ettirishni xohlasa, birdaniga kitobga muk tushishiga yo'l qo'ymang. Biroz muddat miyani dam oldirish kerak. Oilaviy sayohatga chiqish mumkin. Toza havo, tabiat qo'nyida barcha qayg'ular bir pasda ariydi.

Xiva shahridagi "Ichan qal'a" davlat muzey-qo'riqxonasida an'anaviy qovun sayli o'tkazildi.

TASHABBUS



Ta'mi tilni yoradi

Shohrux IBODULLAYEV

Ajoyib hosil bayramida voha fermerlari o'zlarini yetishtirgan o'nlab tilni yorar qovun navlarini namoyish etdi. Sayyohlar Shirin pechak, Qari qiz, Jiyya yaproq, Bo'rikalla, Oq novot va albatta, Xorazm qovunchiligi ramzi — Gurvakning mazasini tatib, lol qoldi. Tarvuz va qovoqlardan ishlangan turfa kompozitsiyalar ham mehmonlarga manzur bo'ldi.



Folklor-etnografik ansamblarning chiqishlari tadbirga o'zgacha fayz kiritdi. — Qadimda Xorazm zaminida 400 dan ortiq qovun navi yetishtirilgan, — deydi gurlik fermer Ozod Rahmatullaev. — Hozir 130 ga yaqini ekiladi, xolos. Lekin bu ham katta xazina. O'zbek qovunlari dovruq'ini jahonga yo'yishimiz kerak. Bugungidek sayillar ko'proq o'tkazib turilsa, ayni muddao bo'lardi.

Ochiq osmon ostidagi bayram gala-konsert bilan yakunlandi. Tadbirida viloyat hokimi Farhod Ermanov qatnashdi. Faol fermerlar taqdirlanib, xushovoz san'atkorlar ijrosida diltorlar kuy-taronalar yangradi.




ENSİKLOPEDİK MA'LUMOT

Aniqlangan oltin zaxiralari bo'yicha O'zbekiston jahonda to'rtinchi, qazib olish darajasi bo'yicha to'qqizinchi o'rinda. Yurtimiz geologlari tomonidan Yevroosiya yirik hisoblangan shtokverk tipli oltin koni (Muruntov) topilgan. Shu kungacha 50 ta oltin koni aniqlangan bo'lib, ular, asosan, uchta: Qizilqum, Nurota-Samarqand va Toshkent oldi geologik-iqtisodiy rayonlarda joylashgan.

1 SAVOLGA 1 JAVOB

— O'zbekistonda yangi ishlab chiqilgan soliq siyosati konsepsiyasiga muvofiq, endi jismoniy shaxslar uchun daromad solig'i boshqacha tarzda hisoblanar ekan. Shu haqda batafsil ma'lumot bersangiz.

Aziz MUSAYEV
Toshkent shahri



Savolga Toshkent shahar Davlat soliq boshqarmasi nazorat-taftish bo'limi boshlig'i Mansur ISROILOV javob beradi:

— Darhaqiqat, 2019-yildan boshlab barcha fuqarolar qancha daromad topayotganidan qat'iy nazar, 12 foiz miqdorda daromad solig'i to'laydi. Shundan 0,1 foizi shaxsiy jam'arib boriladigan pensiya hisobiga o'tkaziladi. Lekin O'zbekiston

Qahramonlari, urush qatnashchilari, I va II guruh nogironlari va ularni parvarishlayotgan shaxslar, ikki hamda undan ortiq 16 yoshga to'lmagan bolasi bor yolg'iz onalarning eng kam oylik ish haqining 4 baravari miqdoridagi daromadi avvalgidek soliqqa tortilmaydi.

YOSHLIK ILHOMI

Dilobar MAMATOVA

XIYONAT VA VIJDON

Ungamas, o'zga xat yozgan edim. Kabutar yuzimga tarsaki urdi.


QISMAT

Chaqaloq qarq'ish, g'iybat eshitib katta bo'lgan. Endi unga hech bir qo'shiq kor qilmaydi. Chunki u giyohvand.

DAHSHATLI MANZARA

Puli yo'q bank xodimi hamda och oshpaz kasal tabibdan shifo tilayotir.

OBODLIK KO'CHASIDA HAYOT QAYNAR, O'TINCHINING "CHALASI"NI ECHKI CHAYNAR.



She'r-tasvir muallifi: Jahongir MIRZO.

HAYOT SABOG'I

HOVLI OLMA, QO'SHNI OL

Boltaboy MUHAMMAD QURBON

Endi uylangan paytim. Yosh oila sifatida bizga ham yer ajratildi. Imorat solishni boshlab yubordik. Poydevor quyayotganimizda otam kelib qoldi.

— Buyursin, bolam, — dedi yaxshi niyat bilan. — Yangi uyda to'ylar qilish nasib etsin. Darvoqe, qo'shnilaring kim ekan, surishtiringmi?

Qo'shnilarni birma-bir tanishtira boshladim. Padarim biroz jim turib, boshini chayqadi. Hayron qolib, nima gapligini so'radim.

— Chap yoningda yashaydigan odam sal noboproq. Attang, bilganimda senga boshqa joydan uy solishni maslahat berardim, — dedi otam afsus bilan.

Oradan yillar o'tdi. Imorat bitdi. Bog'imizga mevali daraxtlar o'tqazdik. Ular shunday bo'y cho'zdi, shoxlari qo'shninikiga, uniki esa, bizning bog'ga o'tib ketdi.

O'rik g'arq pishgan payt

edi. Bir kuni qo'shnimiz hovlimizga kirib, bolalarim yerga to'kilgan mevalarni yeb o'tirganini ko'rib qolibdi. Kelsam, ularni rosa koyiyapti. Meni ko'rishi bilan juftagini rostladi. Farzandlarimga qo'shnining o'rigiga so'roqsiz tegmaslikni uqtirdim. Mavridini topib, qo'shnidan uzr so'radim.

Ertasiga ishdan kelsam: "Dada, dada, qo'shnimiz o'rigini chopib tashladi", — dedi kichkintoyim yig'lamsirab. Ustindan muzdek suv quyilganday bo'ldi. Chiqib qarasam, o'rikning biz tomonga o'tgan shoxi yo'q. Pishgan-pishmagan mevalar yer bilan yakson bo'libdi. Beixtiyor otamning aytgan gaplari esimga tushdi...

O'QING, BU QIZIQ!

Kundalik hayotimiz uchun odatiy buyumga aylangan qoshiqlar eramizdan 3 ming yil avval o'ylab topilgan.



Antik davr odamlari ularni loy yoki yog'ochdan, shuningdek, hayvonlarning suyaklari va shoxlari, hatto dengiz chig'anoqlaridan ham yasagan. 998-yilda Rus davlatida ilk kumush qoshiqlar iste'molga kiritildi. Faqat dastasi juda kataligi tufayli, ularni mushtda tugib ushlagan to'g'ri kelgan. IX asrga kelib Osiyoda birinchi sanchqilar paydo bo'ladi. Yuz yildan keyin bu ixtiro Yevropaga yetib borgan.